N 17 (666) ● 2018 йил 24 апрель

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва *nrm.uz* сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

NORMA nrm.uz

Судланганлиги учун ишга қабул қилмаслик – қонунга зид

18.04.2018 йилдаги ЎРҚ–476-сон Қонун билан Меҳнат кодексига қўшимча киритилди.

Ишга қабул қилишни рад этиш ғайриқонуний ҳисобланадиган ҳолларнинг рўйхати кенгайтирилди. Эндиликда муқаддам судланган шахсларни ишга қабул қилмаслик ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмасликка ҳам йўл қўйилмайди.

Аммо баъзи ҳолларда қонунчилик муқаддам судланган шахсларни ишга қабул қилишни тўғридан-тўғри тақиқлайди. Бундай ҳолларда рад этиш қонуний ҳисобланади. Масалан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига биноан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек, қасддан содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, суд қўшимча жазо тариқасида шахсга муайян турдаги лавозимларни эгаллашни тақиқлашга ҳақли. Аксарият ҳолатларда – раҳбарлик ва моддий жавобгарликка эга бўлган лавозимларни эгаллашни. Бундай ҳолда ишга қабул қилиш ҳатто жиноят – суд ҳужжатини ижро этмаслик деб топилиши мумкин *(ЖКнинг 232-моддаси)*.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ–5308-сон Фармонининг 10-банди билан вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ, шунингдек, вақтинча ёки доимий прописказиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинган. Фармон 23.01.2018 йилдан кучга кирган.

Бироқ Меҳнат кодексининг 80-моддасига, шунингдек Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-2-моддасига ўзгартиришлар ҳали киритилмаган.

Қонун 19.04.2018 йилдан кучга кирди.

Бизнес учун ер участкалари – электрон аукцион орқали

Президентнинг 20.04.2018 йилдаги «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори имзоланди.

2018 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб белгиланадики, унга кўра:

➢ юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга оширилади;

➢ ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш фақат замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда амалга оширилади.

Бунда қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилди:

➢ ҳисоб-китоб (смета) қиймати 2 млрд сўм ва ундан юқори бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати даражасида тасдиқлаш;

➢ қурилиш (реконструкция, капитал таъмирлаш) қиймати олдин эълон қилинган қийматидан ошган ижтимоий ва фуқаролик аҳамиятга эга объектлар бўйича хулосалар бериш;

➢ Президентнинг 2011 йил 27 декабрдаги «Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1666-сон қарори.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Қонун харид қилиш тартиб-таомиллари шаффофлигини таъминлайди

2018 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-472-сон Қонунни имзолади. Ҳужжат билан давлат харидларининг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари ва уларга тааллуқли қоидалар белгиланди.

Қабул қилинган Қонун ЎзР Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Президентнинг «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори *(31.07.2017 йилдаги ПҚ-3166-сон)* талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. У давлат харидлари жараёни очиқлиги ва шаффофлигини, ушбу соҳада тадбиркорлар рақобат асосида курашишини таъминлайди ҳамда давлат бюджети, марказлаштирилган манбалар ва давлат улушига эга корхоналар маблағларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Қонунда харид қилиш тартиб-таомилларининг 5 тури белгиланган, уларнинг 2 таси давлат хариди тўғрисида қарор қабул қилишда инсон омилини бутунлай истисно этади. Қолган харид қилиш тартиб-таомилларидаги шаффофлик махсус ахборот порталида зарур ахборотни эълон қилиш йўли билан таъминланади.

Ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган харид каби харид қилиш тартиб-таомили тури халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда **илк бор** жорий этилмоқда.

Қонун қабул қилингунга қадар мазкур соҳа 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинар эди. Бунда давлат харидларининг яхлит тизими мавжуд бўлмай, оқибатда ҳуқуқий жиҳатдан қарама-қаршиликлар юзага келар эди. Тартиб-таомилларнинг кўп босқичли келишувдан ўтиши ва бирбирини такрорлаши порахўрликка замин яратар, бунга анча вақт кетишига олиб келар эди.

Шу сабабли Қонунни тайёрлаш чоғида давлат харидларини тартибга солувчи ва қуйидаги имкониятларни берувчи тўғридан-тўғри амал қиладиган ягона қонун ҳужжатини қабул қилиш вазифаси ҳам қўйилди:

➢ амалиётда мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар ва эскирган нормаларни бартараф этиш;

➢ амал қилаётган нормалар, қоидалар, харид иштирокчилари ваколатларини бир тизимга солиш;

➢ энг яхши халқаро амалиётлар учун қонунчилик базасини яратиш ва давлат харидлари тизимида порахўрликка олиб келувчи омилларни камайтириш.

Қонунда давлат харидларини амалга оширишга доир мавжуд тажриба, шунингдек халқаро амалиёт, шу жумладан БМТнинг Халқаро савдо-сотиққа доир ҳуқуқ бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) модель қонунчилиги, Европа Иттифоқи, АҚШ, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар қонунчилигининг асосий қоидалари ҳисобга олинган. Қонун лойиҳаси халқаро ташкилотлар, шу жумладан Жаҳон банки, эксперт ва бизнес-ҳамжамият, вазирликлар ва идоралар вакиллари билан муҳокама қилинган.

2-бетда

Ушбу сонда:

7-БЕТ
Ўзбекистонда яшаш гувоҳномасини олиш учун чет эл фуқароси нима қилиши керак?
Гувоҳнома олинг ва тез бузиладиган юкларни олиб ўтаверинг
8-БЕТ
Маъмурий кодексга «йўл безориси» атамаси киритилади

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 17 (666) • 2018 йил 24 апрель

Қонун харид қилиш тартиб-таомиллари шаффофлигини таъминлайди

1-бетда

Қонундаги асосий янгиликлар

➢ Давлат буюртмачиларининг 2 та турли тоифаси – «бюджет» ва «корпоратив» буюртмачилар жорий этилди.

➢ ЎзР Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган этиб белгиланди. *Илгари бундай ваколатли орган бўлмаган.*

➢ Давлат харидларининг барча турлари учун махсус ахборот портали жорий этилмоқда. Электрон дўкон ва аукциондаги ғолибни электрон тизим автоматик равишда белгилайди.

➢ Махсус талаблар қўйилмайдиган барча турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) электрон дўкон орқали харид қилинади. Бюджет буюртмачилари учун лимит – ЭКИҲнинг 25 бараваригача, бироқ йилига ЭКИҲнинг 2 500 бараваридан кўп эмас. Корпоратив буюртмачилар учун – ЭКИҲнинг 250 бараваридан кўп эмас. *Илгари фақат 10–13 гуруҳдаги товарлар, ишлар ва хизматлар рўйхатига киритилган, 100 минг АҚШ долларигача бўлган суммадаги энг зарур товарлар биржадаги электрон савдолар орқали харид қилинар эди.*

➢ Танлов савдолари белгиланган мезонларга мувофиқ келувчи барча турдаги товарлар (ишлар, хизматлар)га татбиқ этилади. *Илгари танлов савдолари ўтказиш механизми асосан капитал қурилиш соҳасида амал қилар эди.*

Тендер савдолари учун сўмдаги лимитлар белгиланди: бюджет буюртмачилари учун – ЭКИҲнинг 6 000 бараваридан ортиқ, корпоратив буюртмачилар учун – ЭКИҲнинг 25 000 бараваридан ортиқ. *Илгари тендер савдолари бўйича лимит 100 минг АҚШ долларини ташкил этар эди.*

➢ Харид қилиш тартиб-таомилларини мониторинг ва назорат қилиш тартиби солинди.

➢ Шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия барча турдаги харидлар бўйича шикоятларни кўриб чиқади. *Илгари давлат харидларини назорат қилиш масалалари тартибга солинмаган, низо ва ихтилофлар эса фақат электрон харидлар бўйича махсус комиссия томонидан кўриб чиқилар эди.*

Мазкур Қонуннинг амалга оширилиши соғлом рақобат муҳити янада ривожланиши, тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларида тенг иштирок этиши, давлат сектори самарадор ва оқилона асосда оптимал муддатларда товарлар (ишлар, хизматлар) билан таъминланиши имконини беради, шунингдек мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити шаклланиши жараёнини давом эттиради ва халқаро рейтингларда Ўзбекистон кўрсаткичларининг яхшиланишида ёрдам беради.

Эркин Ҳосилов,
ЎзР Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг бош мутахассиси.

«Коммунал» маълумотномаларисиз нотариал расмийлаштириш мумкин

Вазирлар Маҳкамасининг 6.04.2018 йилдаги 269-сон қарори билан ВМнинг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига *(27.02.2017 йилдаги 106-сон)* қўшимчалар киритилди
(«Норма маслаҳатчи»нинг мазкур сони ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).

Тошкент шаҳрида **идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда кўчмас мулкнинг олдисотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини нотариал тасдиқлаш** 2017 йил июлдан бошлаб амалга оширилмоқда, уни бутун республика бўйича жорий этиш эса **шу йилнинг 1 июлидан бошланади.**

Пойтахтимизда солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарз мавжудлиги автоматик равишда текширилмоқда. Яъни аризачи тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотномалар тақдим этмайди. Ушбу ахборотни нотариусларнинг ўзи электрон тизим орқали оладилар.

Қабул қилинган ҳужжат билан республиканинг қолган минтақаларида нотариуслар томонидан аризачининг коммунал қарзлари ҳақидаги маълумотлар автоматик равишда олинишини жорий этиш муддатлари белгиланди:

➢ электр таъминоти ва газ таъминоти бўйича – **2019 йил 1 январдан**;

➢ **иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава сувларни чиқариш хизматлари бўйича – 2021 йил 1 январдан**.

Айни шу пайтдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда тегишли идора ва ташкилотлардан қарздорлик бўйича ахборот юборилиши таъминланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* расман эълон қилинган ва 6.04.2018 йилдан кучга кирди.

Давлат дастурига киритилган лойиҳалар қандай молиялаштирилади

Вазирлар Маҳкамасининг 6.04.2018 йилдаги 274-сон қарори Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси фаолиятини тартибга солади.

Жамғарма Президентнинг 18.12.2017 йилдаги ПҚ-3437-сон қарори билан ташкил этилган бўлиб, давлат дастурига киритилган, шу жумладан минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган.

Жамғарма – мустақил балансга, МБда ҳисобрақамларига ва шахсий ғазна ҳисобварақларига эга юридик шахс. Таркиби Президент томонидан тасдиқланадиган Кузатув кенгаши бошқарувнинг юқори органи ҳисобланади.

Ҳужжат билан Ижро этувчи дирекция тузилмаси белгиланди, унга мувофиқ Жамғарма бир ой муддатда малакали кадрлар билан тўлдирилади. Шунингдек Жамғарма маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тасдиқланади.

Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

➢ лойиҳаларни кўриб чиқиш ва уларни ривожланиш давлат дастурларига киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

➢ лойиҳалар бўйича Жамғарма маблағларини жамлаш ва тақсимлаш, шунингдек уларни молиялаштириш;

➢ инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва молиялаштиришнинг барча босқичларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ишлаб чиқиш ва инвестициялаш жараёнларига жорий этиш.

Жамғарма Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг тақдимномасига биноан таклиф этилаётган лойиҳалар бўйича ҳужжатлар туркумларини кўриб чиқади ва ҳар йили 10 октябргача бўлган муддатда маблағлар тушумининг прогноз ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда уларни давлат дастурларига киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Ижро этувчи дирекция давлат дастурларига киритилган лойиҳалар буюртмачиларига тасдиқланган молиялаш ҳажмларини улар томонидан жорий йилда лойиҳалар объектлари рўйхатини шакллантириш учун етказади. Лойиҳалар рўйхати Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилади. Шундан сўнг Молия вазирлиги, давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалари тегишли шахсий ғазначилик ҳисобварақларини очади ҳамда ҳар бир лойиҳа бўйича харажатлар сметасини Молия вазирлигининг ахборот тизимига киритади.

Жамғарманинг молиявий ҳисоботлари нуфузли аудиторлик ташкилотлари жалб этилган ҳолда, ҳар йили мустақил ташқи аудитдан ўтказилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* эълон қилинган ва 9.07.2018 йилдан кучга киради.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълон

Корхоналар ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 263-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи секторни статистикасини шакллантиришни таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, **1-invest shakli** (чораклик) «Ўзбекистон Республикасига чет элдан киритилган инвестициялар ва Ўзбекистон Республикасидан чет элга йўналтирилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» давлат статистика ҳисоботи жорий этилди.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар ҳамда экспорт-импорт билан шуғулланувчи корхоналар бўйича улар фаолиятидаги чет элдан киритилган инвестициялар ва чет элга йўналтирилган инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар бўйича **1-invest shakli** (чораклик) давлат статистика ҳисоботини ўз вақтида - **жорий йилнинг 25 апрелидан кечиктирмасдан** сифатли тақдим этишларини эслатиб ўтади.

1-invest shakli (чораклик) давлат статистика ҳисоботини топшириши лозим бўлган корхоналар рўйхати ***www.stat.uz*** сайтига жойлаштирилган.

Маълумот учун телефонлар: ***230-88-18, 230-88-19.***

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *1-2-бетлар*
• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:
– «Вазирлар Маҳкамасининг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида»;
– «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 107-бандига қўшимча киритиш ҳақида»;
– «Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида».
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 26 мартдан 6 апрелгача бўлган маълумот *3-6-бетлар*
• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ
– Яшаш гувоҳномаси ҳам керак
– Оилавий пропискадан ўтиш *7-бет*
• АВТОНОРМА
– «20 ёшдан ошган» юк машиналари Қамчиқ довони орқали юк ташимайди
– Тез бузиладиган юкларни автомобилда ташиш учун гувоҳнома зарур
– Йўл безорилари жавобгарликка тортилади
– ДЙҲХХ таклифи *8-бет*

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга **фақат «NORMA» gazetalari birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.**

РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:
– «Вазирлар Маҳкамасининг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида»;
– «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 107-бандига қўшимча киритиш ҳақида»;
– «Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида».
• НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 26 МАРТДАН 6 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «БИТИМЛАРНИ НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИНИ ИДОРАЛАРАРО ЭЛЕКТРОН ҲАМКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2017 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛДАГИ 106-СОН ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолияти самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги Ф-4977-сон фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал хизматларнинг ягона биллинг тизимини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 14 сентябрдаги 726-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 2-сон, 20-модда) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 6 апрель
269-сон.

ЎзР ВМнинг
2018 йил 6 апрелдаги
269-сон қарорига
ИЛОВА

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «БИТИМЛАРНИ НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИНИ ИДОРАЛАРАРО ЭЛЕКТРОН ҲАМКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2017 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛДАГИ 106-СОН ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 2-сон, 20-модда):

а) 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали қарздорликни аниқлаш электр ва газ таъминоти бўйича 2019 йил 1 январдан, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава сувларни чиқариш хизматлари бўйича 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади»;

б) 4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятларида – идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали қарздорлик ҳақидаги маълумотлар электр ва газ таъминоти бўйича 2019 йил 1 январдан, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава сувларни чиқариш хизматлари бўйича 2021 йил 1 январдан бошлаб юборилиши таъминлансин».

Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 6.04.2018 йилда расман эълон қилинган.

РЕКЛАМА
Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги
www.norma.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ ҚОИДАЛАРИНИНГ 107-БАНДИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сон «Айрим давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, никоҳдан ажралиш ҳолатларининг олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 11-сон, 104-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 107-бандига қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«ФҲДЁ органи эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилиши керак».

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 апрель
270-сон.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (**lex.uz**) 9.04.2018 йилда расман эълон қилинган.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮКЛАРНИ ТАШИШ ҚОИДАЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларини янада такомиллаштириш, шунингдек, тез бузиладиган маҳсулотларни ташиш хавфсизлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида тез бузиладиган маҳсулотларни автомобилда халқаро ташишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 августдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига ҳамда 1970 йил 1 сентябрда Женева шаҳрида (Швейцария Конфедерацияси) имзоланган Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро ташишлар тўғрисидаги ва ушбу ташишлар учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ҳақидаги битимлар (СПС) талабларига мувофиқ амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро ташишлар тўғрисидаги ва ушбу ташишлар учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ҳақидаги битимларнинг амалга оширилиши учун ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 августдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2014 й., 32-сон, 401-модда) Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги тез бузиладиган маҳсулотларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларини эксперт текширувидан ўтказиш бўйича ҳудудий лабораториялар уч ой муддатда ташкил этилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинганидан уч ой ўтгандан сўнг кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлиғи Д.Т.Деҳқонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 7 апрель
277-сон.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (**lex.uz**) 9.04.2018 йилда расман эълон қилинган.*

ЎзР ВМнинг 2018 йил 7 апрелдаги 277-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮКЛАРНИ ТАШИШ ҚОИДАЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР

1. Қуйидаги мазмундаги 61-1–61-3-бандлар қўшилсин:

«61-1. Автомобиль транспортида ташиш учун тақдим этиладиган тез бузиладиган юклар рўйхати мазкур Қоидаларга 1-иловада келтирилган. Тез бузиладиган юкларни сақлаш ва ташиш ҳарорат режими техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

61-2. Битта автотранспорт воситасида бирга ташишга рухсат бериладиган тез бузиладиган юклар рўйхати мазкур Қоидаларга 2-иловада келтирилган.

61-3. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларини кўрикдан ўтказиш тартиби мазкур Қоидаларга 3-иловада келтирилган».

2. Қуйидаги мазмундаги 1-3-иловалар қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига
1-ИЛОВА

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ТЕЗ БУЗИЛАДИГАН ЮКЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Юк номи
1.	Музлатилган юклар (гўшт, калла-поча, ичак-човоқ, гўшт, қуш, балиқ, шпиг, тухумли музлатилган маҳсулотлар)
2.	Сариёғ
3.	Эритилган мол ёғи, эритилган ёғ
4.	Янги ва пастеризацияланган сут, сут маҳсулотлари (йогурт, кефир, қаймоқ ва янги пишлоқ)
5.	Бирламчи қайта ишлаш заводидан ташиладиган сут
6	Музқаймоқ
7.	Ачитқи (Дрожжи)
8.	Майонез
9.	Маргарин
10.	Турли пишлоқлар
11	Яшиклардаги енгил тузланган сельд
12.	Совутилган, муз билан аралаштирилган балиқ
13.	Иссиқ дудланган музлатилган балиқ
14.	Колбасалар ва қайнатилган колбаса маҳсулотлари
15.	Тез музлатилган гўшт, балиқ, пазандалик маҳсулотлари, мева ва реза мевалар, қуюлтирилган мева шарбатлари

Изоҳ.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидалари талаблари жорий этилган юкларни ташишларда уларга риоя этиш учун жавобгарлик:

юкларни ёллаш ёки ҳақ тўлаш бўйича ташишда – товар-транспорт юкхатига мувофиқ юк жўнатувчи ҳисобланган жисмоний ёки юридик шахсга ёки товар-транспорт юкхати мавжуд бўлмаган тақдирда – ташувчи билан ташишлар ҳақида шартнома тузган жисмоний шахсга;

бошқа ҳолатларда – ташувчига юкланади.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига
2-ИЛОВА

БИТТА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДА БИРГА ТАШИШГА РУХСАТ БЕРИЛАДИГАН ТЕЗ БУЗИЛАДИГАН ЮКЛАР ГУРУҲИ

Т/р	Маҳсулотлар гуруҳи
	А гуруҳи) ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар
	1) Совутилган маҳсулотлар
1.	Қишки олмалар
2.	Қишки ноклар
3.	Узум
	2) Совутилган маҳсулотлар
1.	Ёзги ва кузги олмалар ва ноклар
2.	Ўрик ва шафтолилар
3.	Олхўри
4.	Узум
5.	Олча ва гилос
6.	Крижовник
7.	Қорағат
	3) Совутилган маҳсулотлар
1.	Қўнғир ва пуштиранг помидорлар
2.	Оқ пўстли карам
	Б гуруҳи) ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар
	1) Музлатилган ва совутилган маҳсулотлар
1.	Музлатилган гўшт
2.	1-тоифали музлатилган калла-поча, ичак-човоқ маҳсулотлари (жигар, буйрак, юрак, мия, тиллар, елин, думлар, нимталанган гўшт), идишга солинган миядан ташқари
3.	Блокларда музлатилган гўшт ва калла-поча, ичак-човоқ,
4.	Музлатилган қуш
5.	мой – шпиг
6.	Музлатилган тухум маҳсулотлар
	2) Совутилган маҳсулотлар
1.	Тухум
2.	Герметик тунука ва шиша идишлардаги консервалар
	В гуруҳи) қайта ишланган маҳсулотлар: сут маҳсулотлари, турли ёғлар, колбаса маҳсулотлари, пишлоқлар ва бошқалар
	Г гуруҳи) тирик ўсимликлар: кўчатлар, гуллар ва бошқалар
	Д гуруҳи) қуритилган маҳсулотлар
1.	Қуритилган тухум маҳсулотлари
2.	Қуруқ қуймоқ
3.	Қуруқ сут
4.	Ёғсизлантирилган қуруқ сут
5.	Қуруқ мевалар
6.	Ёнғоқлар
7.	Қуюқлаштирилган сут
8.	Герметик тунука идишдаги қуюқлаштирилган сут
9.	Герметик тунука ва шиша идишлардаги консервалар

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига
3-ИЛОВА

ТЕЗ БУЗИЛАДИГАН ЮКЛАРНИ ТАШИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Атамалар ва таърифлар

СПС – 1970 йил 1 сентябрда Женева шаҳрида (Швейцария Конфедерацияси) имзоланган Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро ташишлар тўғрисидаги ва ушбу ташишлар учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ҳақидаги битимлар;

изотермик автотранспорт воситаси – кузови, шу жумладан эшиги, поли ва томи кузовнинг ташқи ва ички юзаси ўртасида иссиқлик алмашишини чеклаш имконини берадиган термоизоляция деворларидан иборат бўлган автотранспорт воситаси;

музхона-автотранспорт воситаси – механик ёки абсорбцион ускуна бўлмаган совуқлик манбаи ёрдамида (туз қўшилган ёки қўшилмаган табиий муз; эвтектик плиталар; сублимациясини бошқариш имконини берадиган мосламали ёки мосламасиз қуруқ муз; буғланишни бошқара оладиган ускунали ёки ус-

кунасиз суюлтирилган газлар ва бошқалар) юксиз кузовнинг ичида ҳароратни пасайтириш ва шундан сўнг ушбу ҳароратни белгиланган ташқи ҳароратда, белгиланган вақтгача ўрнатилган диапазонда сақлаб туриш имконини берувчи изотермик автотранспорт воситаси;

рефрижератор-автотранспорт воситаси – бир неча автотранспорт воситалари учун алоҳида ёки умумий бўлган музлатгич ускунаси (механик компрессор ёки абсорбцион ускуна ва бошқалар билан жиҳозланган) ёрдамида юксиз кузовнинг ичида ҳароратни пасайтириш ва шундан сўнг ушбу ҳароратни белгиланган ташқи ҳароратда, белгиланган вақтгача ўрнатилган диапазонда сақлаб туриш имконини берувчи изотермик автотранспорт воситаси;

иситиладиган автотранспорт воситаси – иситиш ускунаси ёрдамида юксиз кузовнинг ичида ҳароратни кўтарадиган ва шундан сўнг ушбу ҳароратни қўшимча иссиқлик келмаганда, муайян вақт давомида доимий маромда сақлаб туриш имконини берувчи изотермик автотранспорт воситаси;

СПС гувоҳномаси – мамлакатнинг СПС Битимини амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли органи томонидан бериладиган ва автотранспорт воситаси СПС Битими талабларига мослигини тасдиқловчи ҳужжат;

техник кўрик (келгусида – автотранспорт воситалари кўриги) – автотранспорт воситасининг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида уларни эксперт текширувларини ўз ичига олган чора-тадбирлар. Ушбу текширувлар натижалари бўйича СПС гувоҳномаси расмийлаштирилади ва СПСда белгиланган тартибда маркировка амалга оширилади;

техник тартибга солиш – маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларнинг ўрнатилиши, қўлланиши ва бажарилиши;

автотранспорт воситаларининг эксперт текшируви – тез бузиладиган юкларни ташишларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фойдаланишдаги автотранспорт воситаларининг «Ўзстандарт» агентлигида белгиланган тартибда рўйхатга олинган лабораториялар томонидан ўтказиладиган текшируви;

совутиш ва иситиш учун мўлжалланган термик ускунанинг самарадорлиги – термик ускунанинг маълум ташқи ҳароратда изотермик автотранспорт воситаси кузови ичидаги белгиланган ҳароратни сақлаш қобилияти.

2. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари қуйидаги белгилар бўйича тоифаланади:

автотранспорт воситаси тури;

кузов тури;

ҳарорат режимини таъминлаш технологияси.

3. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари турлар бўйича қуйидагиларга бўлинади:

юк автомобили;

тиркама;

яримтиркама;

контейнер.

4. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари кузов турлари бўйича қуйидагиларга бўлинади:

фургон;

цистерна.

5. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари ҳарорат режимини таъминлаш технологияси бўйича қуйидагиларга бўлинади:

I – изотермик автотранспорт воситаси;

R – музлатгич-автотранспорт воситаси;

F – рефрижератор-автотранспорт воситаси;

C – иситиладиган автотранспорт воситаси.

6. Изотермик автотранспорт воситалари кузовнинг ички ва ташқи юзалари ўртасида иссиқлик алмашишни чеклаш хусусиятига кўра икки тоифага бўлинади:

нормал изоляцияли I_N изотермик автотранспорт воситаси;

кучайтирилган изоляцияли I_R изотермик автотранспорт воситаси.

7. Совутиш ва иситиш учун мўлжалланган термик ускуналар самарадорлиги бўйича автотранспорт воситалари қуйидаги тоифаларга бўлинади: A, B, C, D, E ва F.

8. Иссиқлик бериш умумий коэффициентининг миқдори, яъни К коэффициенти тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари кузовининг изотермик хусусиятларини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

9. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари К коэффициентига нисбатан қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

нормал изоляцияли I_N изотермик автотранспорт воситалари – 0,70 Вт/м² Қдан кўп бўлмаган К коэффициентига эга бўлиши;

кучайтирилган изоляцияли I_R изотермик автотранспорт воситалари – 0,40 Вт/м² Қдан кўп бўлмаган К коэффициентига эга бўлиши;

10. A тоифадаги нормал ёки кучайтирилган изоляцияли музхоналар ташқи ҳарорат ўртача 30 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг плюс 7 °C дан ошмайдиган даражада сақланишини таъминлаши лозим.

11. B тоифадаги кучайтирилган изоляцияли музхоналар ташқи ҳарорат ўртача 30 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг минус 10 °C дан ошмайдиган даражада сақланишини таъминлаши лозим.

12. C тоифадаги кучайтирилган изоляцияли музхоналар ўртача 30 даража ташқи иссиқ ҳароратда, кузов ичида минус 20 °C даражадаги ҳароратни сақланишини таъминлаши лозим.

13. D тоифадаги нормал ёки кучайтирилган изоляцияли музхоналар ташқи ҳарорат ўртача 30 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг 0 °C даражада сақланишини таъминлаши лозим.

14. A тоифадаги нормал ёки кучайтирилган изоляцияли рефрижераторлар ташқи ҳарорат ўртача 30 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг плюс 12 дан 0 °C гача даражада сақланишини таъминлаши лозим.

15. B тоифадаги кучайтирилган изоляцияли рефрижераторлар ташқи ҳарорат ўртача 30 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг плюс 12 °C дан минус 10 °C гача даражада сақланишини таъминлаши лозим.

16. C тоифадаги кучайтирилган изоляцияли рефрижераторлар ташқи ҳарорат ўртача 30 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг плюс 12 °C дан минус 20 °C гача даражада сақланишини таъминлаши лозим.

17. D тоифадаги нормал ёки кучайтирилган изоляцияли рефрижераторлар ташқи ҳарорат ўртача 30 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг 0 °C дан ошмайдиган даражада сақланишини таъминлаши лозим.

18. E тоифадаги кучайтирилган изоляцияли рефрижераторлар ташқи ҳарорат ўртача 30 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг минус 10 °C дан ошмайдиган даражада сақланишини таъминлаши лозим.

19. F тоифадаги кучайтирилган изоляцияли рефрижераторлар ташқи ҳарорат ўртача 30 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг минус 20 °C дан ошмайдиган даражада сақланишини таъминлаши лозим.

20. A тоифадаги нормал ва кучайтирилган изоляцияли иситиладиган изотермик автотранспорт воситалари ташқи ҳарорат ўртача минус 10 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг плюс 12 °C дан ошмайдиган даражада камида 12 соатдан давомида сақланишини таъминлаши лозим.

21. B тоифадаги кучайтирилган изоляцияли иситиладиган изотермик автотранспорт воситалари ташқи ҳарорат ўртача минус 20 °C бўлганда, кузов ичидаги ҳароратнинг плюс 12 °C дан ошмайдиган даражада камида 12 соатдан давомида сақланишини таъминлаши лозим.

22. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари юк бўлинмаларида ҳаво ҳароратини минус 20 °C дан плюс 30 °C гача даражада назорат қилиш, шунингдек, ташишлар ҳарорат режимининг ўзгаришлари ҳақида ҳайдовчини хабардор қилиш имконини берадиган ўлчаш ва ёзиб борувчи ускуналар билан жиҳозланиши лозим.

23. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларининг юк бўлинмалари озиқ-овқат маҳсулотлари билан контактда бўлганда хавфсиз материаллардан тайёрланиши лозим.

24. Изотермик автотранспорт воситаларининг термик ускуналарида озонни емириш қобилияти нолга тенг ва глобал иситиш қобилияти паст рухсат этилган хладагентлар қўлланиши лозим.

2-БОБ. АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ

25. Кўрик тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган ҳар бир автотранспорт воситаларига СПСга мувофиқ СПС гувоҳномасини беришни назарда тутади.

26. СПС гувоҳномасида қуйидагилар қайд этилади:

тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси эгасининг (вакилининг) номи ва жойлашган жойи;

тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситасини ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган жойи;

гувоҳномани берган ташкилотнинг номи ва жойлашган жойи;

тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси ҳақида, ушбу Тартибга мувофиқ ушбу автотранспорт воситасини, унинг тури, тоифасини идентификациялаш имконини берадиган маълумотлар;

тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситасининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ҳақида эксперт ташкилотининг хулосаси;

автотранспорт воситаларининг ўтказилган эксперт текширувлари натижалари ҳақидаги маълумот;

СПС гувоҳномасининг амал қилиш муддати.

Гувоҳнома берганлик учун йиғим ундирилмайди.

27. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва фойдаланилаётган автотранспорт воситалари автотранспорт воситаларини эксперт текширувларини ўтказиш асосида кўрикдан ўтказилади.

28. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва фойдаланилаётган автотранспорт воситаларининг эксперт текширувлари «Ўзстандарт» агентлигида белгиланган тартибда рўйхатга олинган лабораториялар (кейинги ўринларда рўйхатга олинган лаборатория деб аталади) томонидан ўтказилади.

29. Автотранспорт воситаларини эксперт текширувдан ўтказиш усуллари фойдаланилаётган автотранспорт воситаларини текширувдан ўтказишига нисбатан СПСга ҳамда эксперт ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган бошқа усулларга мувофиқ бўлиши лозим.

30. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган янги тайёрланган автотранспорт воситаларининг эксперт текшируви улар тайёрланганидан 6 йилдан сўнг, келгуси йилларда эса – ҳар 3 йилда ўтказилади.

31. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларининг эгалари ёки эгаларининг номидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда уларга эгалик қилувчи, фойдаланувчи ва (ёки) тасарруф этувчи шахслар (кейинги ўринларда эгалари/эгаларининг вакиллари деб аталади) автотранспорт воситаларини эксперт текширувидан ўтказиш учун мазкур Тартибнинг 30-бандига мувофиқ муддатларда тақдим этишлари лозим.

32. Автотранспорт воситаларининг эксперт текшируви рўйхатга олинган лаборатория томонидан ариза берувчининг талабномаси ва у билан икки нусхада тузиладиган шартнома асосида ўтказилади.

33. Рўйхатдан ўтган лаборатория аризани бир иш кунида рўйхатга олади ва икки иш куни давомида ариза берувчига транспорт воситасининг изотермик хусусиятлари текширилгани тўғрисида баённома нусхасини беради. Баённоманинг асл нусхасини СПСни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли органга СПС гувоҳномасини бериш учун топширади. Баённома электрон шаклда ёки тўғридан-тўғри берилиши мумкин.

34. Битимни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган (Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари) бир иш куни давомида ариза берувчига СПС гувоҳномасини СПСда ўрнатилган шаклда беради ва уни СПС гувоҳномалари реестрида рўйхатдан ўтказади.

35. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари изотермик хусусиятларининг ёки уларга ўрнатилган термик ускуналар самарадорлигининг айрим ташқи таъсирлар натижасида конструкция бузилиши туфайли ўзгариши тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари эгаси (унинг вакили) томонидан автотранспорт воситасини эксперт текшируви шаклида режадан ташқари кўрикдан ўтказиш учун тақдим этишга асос бўлади.

36. Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситасининг эгаси (унинг вакили) СПС гувоҳномаси берилган тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситасига мазкур Тартиб талабларига мувофиқ унинг тоифаси ва турини ўз ичига олган ҳарфли таниш белгиларини қўйиши лозим.

3-БОБ. ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИЗОТЕРМИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

37. Транспорт воситасини умумий текшириш:

Бажарилаётган ишлар номи	*Техник хусусият, қисқа таъриф*
Транспорт воситасини умумий текшириш: Изоляцияловчи қатлам тузилишининг умумий хусусияти; Изоляциялаш усули, деворлар тури ва ҳолати; Изотермик тўсиқнинг сақланиш ҳолати; Деворлар қалинлиги.	Эксперт томонидан кўрикдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Аниқланган камчиликлар, эътирозлар кўрик баённомасида қайд этилади
Ҳаво ўтказмаслигини текшириш	Тешиклардан қарама-қарши томондан ёруғлик тушишини текшириш. Бу жараён эксперт томонидан бажарилади.

Изоҳ. *Ҳаво ўтказмаслигини текшириш (цистерна-транспорт воситаларига нисбатан қўлланилмайди).*

38. Текширув ёркин ёритиладиган зонага қўйиладиган транспорт воситасининг ичида турган эксперт томонидан амалга оширилади. Аниқроқ натижаларни бериши мумкин бўлган бошқа усуллар қўлланилиши мумкин.

39. Ўлчовлар воситалари улардан фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ жорий этилади, ўлчовлар шартлари ва давомийлиги ўлчовлар усулига тўлиқ мос келиши лозим.

40. Геометрик ҳажмлар ўлчовлар воситалари ёки бир неча ўлчов воситалари ёрдамида ўлчанганда, ушбу ҳажм уч марта ўлчаниши лозим ва якуний натижа эса уч ўлчовнинг ўртача арифмет қиймати сифатида қабул қилиниши керак.

Ўлчовларни амалга оширишда ўлчов приборларининг техник ҳужжатлари йўриқномасига риоя этилиши шарт.

41. Геометрик ҳажмларни штангенциркуль ва рулеткалардан фойдаланган ҳолда ўлчанади.

Қуйидаги кўрсаткичлар ўлчанади:

кузовнинг ташқи ўлчамлари: узунлиги, эни, баландлиги;

кузовнинг ички ўлчамлари: узунлиги, эни, баландлиги;

Ҳисоб-китоб йўли билан қуйидагилар аниқланади:

кузовнинг умумий майдони;

кузовнинг ички фойдали ҳажми;

кузовнинг умумий ички юзаси;

кузовнинг умумий ташқи юзаси;

кузовнинг ўртача юзаси;

иссиқлик алмашиш юзасининг ўртача катталиги;

деворларнинг умумий қалинлиги;

42. Эксперт транспорт воситасининг умумий ҳолати бўйича хулоса қилади. Кузовнинг умумий ҳолатига тегишли хулоса ижобий бўлган тақдирда, транспорт воситасини уни ишлаб чиқарган завод томонидан дастлаб белгиланган тоифа бўйича уч йил муддатга баҳолаш тавсия этилади ва автотранспорт воситаси унинг изотермик хусусиятларини аниқлаш ўтказиш учун юборилади.

43. Хулоса салбий бўлган тақдирда, автотранспорт воситаси аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун юборилади. Камчиликлар бартараф этилгандан сўнг автотранспорт воситаси қайта текширувга тақдим этилиши мумкин.

4-БОБ. ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТЕРМИК УСКУНАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТЕКШИРИШ

44. Фойдаланилаётган ҳар бир рефрижератор-транспорт воситаси термик ускуналарининг самарадорлигини текшириш учун унинг изотермик хусусиятлари текширилади.

45. 2012 йил 2 январдан кейин ишлаб чиқарилган транспорт воситалари учун:

ташқи ҳарорат плюс 15 С° дан кам бўлмаганда, юксиз транспорт воситасининг ички ҳарорати максимал даврда (дақиқаларда) ушбу тоифадаги транспорт воситаси учун қуйидаги жадвалда назарда тутилган ҳароратгача етказилиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида текшириш амалга оширилади:

Ташқи ҳарорат	30	29	28	27	26	25	24	23	22	21	20	19	18	17	16	15	°C
C, F тоифалар	360	350	340	330	320	310	300	290	280	270	260	250	240	230	220	210	дақиқа
B, E тоифалар	270	262	253	245	236	228	219	211	202	194	185	177	168	160	151	143	дақиқа
A, D тоифалар	180	173	166	159	152	145	138	131	124	117	110	103	96	89	82	75	дақиқа

Юксиз транспорт воситасининг ички ҳарорати дастлаб ташқи ҳароратгача етказилиши шарт.

46. Фойдаланилаётган транспорт воситаларига нисбатан қўлланиладиган қўшимча қоидалар.

Мазкур Тартибнинг 45-бандида кўрсатилган муддатгача ишлаб чиқарилган транспорт воситаларига нисбатан қуйидаги қоидалар қўлланилади:

ташқи ҳарорат плюс 15 °С дан кам бўлмаганда, юксиз транспорт воситасининг дастлаб ташқи ҳароратгача етказилган ички ҳарорати давомийлиги олти соатдан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида:

А, В ва С тоифадаги транспорт воситалари учун – ушбу тоифадаги транспорт воситаларига мўлжалланган минимал ҳароратгача;

D, Е ва F тоифадаги транспорт воситалари учун – ушбу тоифадаги транспорт воситаларига мўлжалланган ҳароратгача етказилиши мумкинлигини аниқлаш учун текширув ўтказилади.

47. Натижалар қониқарли бўлган тақдирда, ушбу транспорт воситалари дастлаб белгиланган тоифадаги изотермик транспорт воситалари сифатида уч йил муддатгача бўлган янги даврда фойдаланишда қолиши мумкин.

5-БОБ. ИЗОТЕРМИК АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲАРФЛИ ТАНИШ БЕЛГИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

48. Изотермик автотранспорт воситалари қуйидаги ҳарфли таниш белгилари билан белгиланиши лозим:

IN – нормал изоляцияли изотермик автотранспорт воситалари;

IR – кучайтирилган изоляцияли изотермик автотранспорт воситалари;

RNA – А тоифадаги нормал изоляцияли музхона;

RRA – А тоифадаги кучайтирилган изоляцияли музхона;

RRB – В тоифадаги кучайтирилган изоляцияли музхона;

RRC – С тоифадаги кучайтирилган изоляцияли музхона;

RND – D тоифадаги нормал изоляцияли музхона;

RRD – D тоифадаги кучайтирилган изоляцияли музхона;

FNA – А тоифадаги нормал изоляцияли рефрижератор;

FRA – А тоифадаги кучайтирилган изоляцияли рефрижератор;

FRB – В тоифадаги кучайтирилган изоляцияли рефрижератор;

FRC – С тоифадаги кучайтирилган изоляцияли рефрижератор;

FND – D тоифадаги нормал изоляцияли рефрижератор;

FRD – D тоифадаги кучайтирилган изоляцияли рефрижератор;

FRE – Е тоифадаги кучайтирилган изоляцияли рефрижератор;

FRF – F тоифадаги кучайтирилган изоляцияли рефрижератор;

CNA – А тоифадаги нормал изоляцияли иситиладиган изотермик автотранспорт воситаси;

CRA – А тоифадаги кучайтирилган изоляцияли иситиладиган изотермик автотранспорт воситаси;

CRB – В тоифадаги кучайтирилган изоляцияли иситиладиган изотермик автотранспорт воситаси;

49. Изотермик автотранспорт воситаларининг ҳарфли таниш белгилари кузов ҳар икки ташқи тарафининг олд томонига яқин юқори бурчакда оқ фонга кўк рангда лотин алифбосининг бош ҳарфлари билан ёзилиши ва ҳарфлар баландлиги 100 мм дан кам бўлмаслиги лозим.

50. Максимал вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлмаган изотермик автотранспорт воситалари учун ҳарфлар баландлиги 50 мм ни ташкил этиши мумкин.

51. Изотермик автотранспорт воситаларининг ҳарфли таниш белгилари тагида СПС гувоҳномаси амал қилишининг тугаш муддати (йил, ой) оқ фонга кўк рангда араб рақамлари билан ёзилиши лозим. Рақамлар баландлиги изотермик автотранспорт воситаларининг ҳарфли таниш белгилари баландлигининг ярмига тенг бўлиши шарт.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 26 МАРТДАН 6 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 1 мартдаги 52, 2018-19, 341-В-1-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 6 мартдаги 01-02/12-28-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатувлари устидан божхона назорати қоидаларининг 4.12-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-3.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 60-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-3.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 322-В-1, 63-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида«ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2320-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 мартдаги 42, 10-қ/қ, 16-сон «Фуқаро ва экспериментал авиацияда учувчилар таркиби учун ёшга оид чегараларни киритиш тўғрисида»ги қарорнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1762-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг

2018 йил 17 мартдаги 9/7-сон «Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/10-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 23 мартдаги 113-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-61) 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-10.

9. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 27 февралдаги 4-2018-сон «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2431-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 13 мартдаги 166-мх, 22-сон «Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1826-1.

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 48-сон «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шаклларини тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2624-1.

12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 35-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2987.

13. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 49-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-8.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/1-сон «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-2.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/10-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2988.

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/11-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2989.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/3-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-3.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/8-сон «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 42-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 992-4.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/9-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-2.

20. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 17-сон «Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2990.

21. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 29 мартдаги 5, 7-сон «Қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2991.

22. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги 12, 56-сон «Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2801-1.

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 23 мартдаги 10/9-сон «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1470-2.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 6-2018, 3/ққ, 2-мҳ, 9-қ/қ, 10, 65-сон «Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1832-2.

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/7-сон «Микрокредит ташкилоталарида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1639-2.

26. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 2-2018, 40-сон «Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2992.

27. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 3-2018, 33-сон «Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2993.

28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 64, 2018-24, 9-сон «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1502-3.

29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/4-сон «Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1289-2.

30. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/5-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2322-2.

31. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/6-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994.

32. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 3 февралдаги 4/2-сон «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1859-4.

33. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 мартдаги 67, 2018-68-сон «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинадиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1935-1.

34. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 мартдаги 68, 2018-31-сон «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш ва уларга Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1441-1.

35. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 34, 27-2017-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақириққача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995.

36. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 212-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1764-2.

37. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 9, 24-сон «Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1737-1.

38. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 26 февралдаги 50-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда ёзма иш (диктант), номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2996.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1832, 2008 йил 4 июль), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1832-1, 2010 йил 2 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 3 апрелдаги 200-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1289, 2003 йил 10 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1289-1, 2013 йил 20 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 205-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2322, 2012 йил 3 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2322-1, 2017 йил 4 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 206-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинадиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1935, 2009 йил 6 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 209-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш ва уларга Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1441, 2005 йил 14 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 210-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1764, 2008 йил 31 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1764-1, 2011 йил 18 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 212-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2320, 2012 йил 1 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 180-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1641, 2006 йил 14 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1641-1, 2008 йил 19 май), (рўйхат рақами 1641-2, 2013 йил 6 март).

Адлия вазирининг 2018 йил 30 мартдаги 191-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2315, 2012 йил 19 январь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2315-1, 2015 йил 8 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 30 мартдаги 191-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Яшаш гувоҳномаси ҳам керак

Чехия ва Словакия фуқароси Ўзбекистон ҳудудида ишлайди ва унда мол-мулкка эга бўлгани ҳолда яшаш гувоҳномасини расмийлаштирмоқчи.
1. Чет эл фуқароси Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси ва Тошкентда доимий прописка олиш учун қандай ҳужжатларни тақдим этиши зарур?
2. ЎзРда яшаш гувоҳномаси ва Тошкентда доимий прописка олиш тўғрисидаги ариза қанча муддатда кўриб чиқилади?
3. Яшаш гувоҳномаси қанча муддатга берилади? Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномаси ва доимий прописка қайси паспорт бўйича расмийлаштирилади?

А.Кан. Жиззах ш.

1 Хорижий давлатлардан келган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида камида 1 йил яшаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшашга рухсат олиш учун туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг (ТШИИБ) хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (ХЧКваФРБ) мурожаат этиши мумкин. Бунинг учун улар ТШИИБ ХЧКваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

➢ белгиланган шаклда 2 нусхада ариза-анкета;

➢ чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

➢ уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), шунингдек уй-жой учун ҳужжатлар нусхалари;

➢ никоҳ тузилганлиги ёки фарзанд туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари, зарур ҳолларда – яқин қариндошининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

➢ хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ёки хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, консуллик муассасаси томонидан берилган, аввалги яшаш жойи бўйича судланмаганлиги тўғрисида маълумотнома (МДҲга аъзо давлатлардан келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун);

➢ 35 х 45 мм ўлчамли 2 та фотосурат;

➢ ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги квитанция *(АВ томонидан 14.05.2012 йилда 2363-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 3-банди).*

2 ТШИИБ ХЧКваФРБ барча ҳужжатлар ўрганилгандан кейин 2 ҳафта муддатда ариза берувчининг вақтинча яшаш жойи бўйича текшириш ўтказади, унинг натижаси бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг вақтинча прописка қилинган жойи бўйича яшаши тўғрисида далолатнома тузилади. Далолатнома фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси, маҳалла фаоллари, профилактика инспектори, шахс яшаган уй эгаси томонидан имзоланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказидан ва Тошкент шаҳар ИИББ Манзил маълумотнома бюросидан (ММБ) ариза берувчи ва турар жой эгасига доир тегишли маълумотлар сўраб олинади.

Сўнг чет эл фуқаросининг шахсий йиғма иш жилди ҳамда тегишли маълумотнома Тошкент шаҳар ИИББнинг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига (ХЧКваФРБ) ёки Тошкент вилояти ИИБнинг ХЧКваФРБга юборилади.

3 иш куни ичида ариза-анкетанинг 1 нусхаси тегишли ваколатли органга юборилади.

Ижобий жавоб олинган тақдирда, тегишли ваколатли орган ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ томонидан 10 кунлик муддатда хулоса тайёрланади. Уни ИИББ ёки ИИБ бошлиғи ўринбосари тасдиқлайди. Материаллар ИИВ ХЧКваФРБга якуний қарор чиқариш учун юборилади.

Бир ой муддат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Қарор чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда тегишлилиги бўйича ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБга ижро учун юборилади.

ИИВ вазири ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор бир ой муддат мобайнида чиқарилади. У чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда тегишлилиги бўйича ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБга ижро учун юборилади.

Ариза берувчи қарор ҳақида 3 иш куни давомида ёзма равишда хабардор қилинади. Унинг мурожаати асосида яшаш гувоҳномаси расмийлаштириб берилади ва унинг тегишли саҳифасида доимий прописка қилинганлиги тўғрисида штамп қўйилади. Бир вақтнинг ўзида чет эл фуқаросига Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари тушунтирилиб, бу ҳақда ундан белгиланган шаклдаги тилхат олинади.

3 Чет эл фуқароларига яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга, бироқ хорижий давлат паспортининг амал қилиш муддатидан кўп бўлмаган муддатга, 60 ёшга тўлганда – хорижий давлат паспортининг бутун амал қилиш муддатига берилади. Доимий прописка амал қилиш муддатига эга эмас *(Низом, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 2-илова).*

Анкета-аризани тўлдириш чоғида фуқаро Чехия ва Словакия паспортлари мавжудлигини кўрсатиши шарт. Яшаш жойида рўйхатдан ўтказиш давлат чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисида белги қўйилган паспорт бўйича амалга оширилади. Шу тариқа, яшаш гувоҳномасини беришда ариза берувчи рўйхатдан ўтказилган паспортга афзаллик берилади.

Оилавий пропискадан ўтиш

1. Болани прописка қилиш зарур бўлган муддат белгиланганми?
2. Турмуш ўртоғим мулкдор бўлмаса ҳам, квартира мулкдорининг розилигини олмай туриб, эрим прописка қилинган жойда мен ва фарзандим пропискадан ўтишимиз мумкинми?

Г.Қосимов.

1 Фуқаро яшаши мўлжалланаётган жойга доимий рўйхатдан ўтиши учун қуйидагиларни тақдим этади:

➢ белгиланган шаклдаги ариза;

➢ Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;

➢ туғилганлик ҳақида гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган, ота-онасидан, васийларидан ёки ҳомийларидан алоҳида яшайдиган шахслар учун);

➢ турар жой ҳужжатлари;

➢ давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция.

Ҳали 16 ёшга тўлмаган ва ота-оналари (васийлари, ҳомийлари) билан бирга яшайдиган болаларни рўйхатдан ўтказиш туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бўйича улар ҳақидаги маълумотларни уй дафтарларига (рўйхатдан ўтказиш карточкаларига) киритиш орқали амалга оширилади *(Низомнинг 40-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).*

Туғилган болалар тўғрисидаги маълумотлар ота-онасидан бирининг рўйхатдан ўтказиш карточкасига, шунингдек туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ёхуд ота-онасининг паспортларидаги улар ҳақида қайд этилган маълумотлар асосида квартира карточкаларига ёзиб қўйилади *(Тартибнинг 11-банди, Йўриқноманинг 48-бандига 26-илова, АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган ИИВ буйруғига 1-илова).*

Шу тариқа, паспорт хизмати фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг биронтасида вояга етмаган болани яшаш жойи бўйича **прописка қилиш муддати қайд этилмаган.** Бироқ у туғилгандан кейин рўйхатдан ўтказиш **карточкаси**, квартира карточкаси ва уй дафтарига **қайд этилиши шарт**.

2 **Фақат уй эгасининг ёзма розилиги билан** эрингизникида болангиз билан **прописка қилинишингиз мумкин**. Квартира мулкдори прописка қилиш учун аризадаги турар жой майдонини берувчи шахснинг имзоси кўринишида бошқа шахсларни прописка қилишга рухсат беради *(АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқномага 3-илова).*

Санжар Хўжаахмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.
Хизматлар лицензияланган.

Кўкаламзорлаштириш, экиш, дизайн. Кўчатлар: барги тўкиладиган, игнабаргли, мевали. Тўлов исталган усулда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.

NORMA

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 17Г.
Тел. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

2018 йилнинг 30 июнь куни – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг эски намунадаги паспортини биометрик паспортга алмаштиришнинг сўнгги куни эканлигини эслатиб ўтади.



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

«20 ёшдан ошган» юк машиналари Қамчиқ довони орқали юк ташимайди

Вазирлар Маҳкамасининг 6.04.2018 йилдаги 268-сон қарори билан «Қамчиқ» довони орқали автомобиль транспортида юк ташиш тартибга солинди.

Турли даврларда довон орқали автоташувларга турлича чекловлар амал қилган. Хусусан, Қамчиқ довони орқали қуйидаги муддат давомида фойдаланилган автомобилларда юк ташиш тақиқланган эди:

- 2012 йил 1 октябрдан – 25 йил ва ундан ортиқ;
- 2014 йил 1 июлдан – 20 йил ва ундан ортиқ;
- 2016 йил 1 июлдан – 15 йил ва ундан ортиқ.

Бир қатор идораларнинг таклифига кўра 2016 йилдан буён амалда бўлган чекловлар поғонаси кўтарилди. Энди «Қамчиқ» довони орқали ишлаб чиқарилганига 20 йилдан ошган юк автомобиллари ва автомобиль-тиркамаларда юк ташиш тақиқланади.

Юк машинасининг «ёши» – чеклов белгиланиши учун ягона мезон эмас. Ўтган йилдан бошлаб ўқ юкламаси 11,5 тоннадан кўп бўлган автотранспорт воситаларида «Қамчиқ» довони орқали юк ташиш тақиқланган, бунда айрим истиснолар қилинган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* эълон қилинган ва 6.04.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Тез бузиладиган юкларни автомобилда ташиш учун гувоҳнома зарур

Вазирлар Маҳкамасининг 7.04.2018 йилдаги 277-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига ўзгартиришлар киритилди *(«Норма маслаҳатчи»нинг мазкур сони ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).*

10 июлдан бошлаб тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларини эксперт текширувлари асосида мажбурий кўрикдан ўтказиш жорий этилади.

Автотранспорт воситаларининг эгалари ёки эгаларининг номидан уларга эгалик қилувчи, фойдаланувчи ва (ёки) тасарруф этувчи шахслар қуйидаги муддатларда автомобилни эксперт текшируви учун тақдим этишлари шарт:

- янги тайёрланган автотранспорт воситаларининг эксперт текшируви улар тайёрланганидан 6 йилдан сўнг;
- келгуси йилларда эса — ҳар 3 йилда.

Текширувлар ариза берувчининг талабномаси ва у билан тузиладиган шартнома асосида «Ўзстандарт» агентлигида аккредитация қилинган лаборатория томонидан ўтказилади. Текширувлар чоғида автонинг бундай турдаги транспорт воситалари учун белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Лаборатория талабномани 1 иш куни ичида рўйхатга олади ва 2 иш куни мобайнида ариза берувчига текширув баённомаси нусхасини беради. Баённоманинг асл нусхаси ариза берувчи гувоҳномани оладиган Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармасига берилади.

Гувоҳнома бериш учун йиғим ундирилмайди.

Ҳужжат билан қуйидагилар ҳам жорий этилмоқда:

- автомобиль транспортида ташиш учун тақдим этиладиган тез бузиладиган юклар рўйхати;
- битта автотранспорт воситасида бирга ташишга рухсат бериладиган тез бузиладиган юклар гуруҳи.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* расман эълон қилинган ва 10.07.2018 йилдан кучга киради.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

Йўл безорилари жавобгарликка тортилади

Ўзбекистонда автоуловларни хавфли бошқарганлик учун жарималар жорий этишмоқчи. Бу ҚЎТБТ порталида муҳокама қилинган 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясида назарда тутилган.

Хусусан, 2018 йилнинг 1 июлига қадар мамлакатимизда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси тайёрланиши керак. Унда *«йўл безорилиги»* атамасининг норматив таърифи берилган бўлади.

Бунда транспорт воситасини бошқариш маданиятига риоя этмаслик, автоуловни тажовузкорлик билан бошқариш, бурилиш сигнали орқали олдиндан огоҳлантирмай туриб ҳаракатни тезкор ўзгартириш, хавф тўғрисида огоҳлантиришга зарурат бўлмаган ҳолда товуш сигналидан фойдаланишда намоён бўладиган била туриб қасддан қилинган хатти-ҳаракатлар назарда тутилади. Бундай ҳаракатлар учун энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима белгилаш мўлжалланмоқда *(ҳозир ЭКИҲнинг 1 баравари – 172 240 сўм).*

Эслатиб ўтамиз, бунга ўхшаш жарималар бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида жорий этилган. Масалан, Россияда «хавфли ёки тажовузкор бошқарув» тушунчасига қуйидагилар киради: ёнлама оралиқ масофаларни бузиш, олдинда ҳаракатланаётган автомобилга нисбатан оралиқни сақламаслик, ҳайдовчи устунликка эга бўлган автомобилларга қоидага зид тарзда йўл бермасдан қайта тизилиши, барча транспорт оқимлари тўлиқ тирбанд бўлганда қайта тизилиш.

Европанинг баъзи давлатларида тажовузкор бошқариш деганда бундан енгилроқ қоидабузарликлар ҳам назарда тутилади: бурилиш ишораларини ёқмаслик, қувиб ўтаётганда йўлни кесиш, йўл ёқасидан ҳаракатланиш. Мазкур барча ҳаракат йўналишларини ўзгартиришлар йўлда ноқулай вазиятларни келтириб чиқариб, одамларнинг жароҳат олиши, ҳалок бўлиши, ўзгаларнинг транспорт воситаси, бинонинг зарар кўриши, бошқача тарзда моддий зиён етказилишига олиб келиши мумкин.

Россияда автомобилни хавфли бошқарганлик учун жарима 5 минг рублни ташкил этади, Германияда 3 ойгача ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиш ёки 250 евро жарима тўлаш, Америкада – 2 500 доллар, Японияда – ярим йил ахлоқ тузатиш ишлари билан банд бўлиш, Австралияда – 5 500 доллар жарима ёки 3 йилгача ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиш мумкин.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

ДЙҲХХ таклифи

Россия ДЙҲХХ раҳбарияти... мактаб ўқувчиларига ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш имкониятини кўриб чиқмоқда.

Бунда Йўл ҳаракати қоидаларига ўқитиш бевосита мактабларда ташкил этилиши истисно этилмади (ўқувчилар ва ота-оналар шундай истак билдирсалар).

Ҳозирча Россияда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш мумкин бўлган ёшни пасайтириш ҳақида сўз бормаяпти. Бироқ, Россия ДЙҲХХ раҳбари Михаил Черников «Авто Mail.Ru»да хабар беришича, болаларни ЙҲҚ ва йўлларда ўзини тутиш маданиятига ўргатишга бор куч билан рағбатлантириш зарур. 16 ёшдаёқ мопедлар ва енгил мотоциклларни бошқариш имконини берувчи «М» тоифасидаги ёки «А1» кичик тоифасидаги гувоҳномалар рағбатлантирувчи омил бўла олади.

Эслатиб ўтамиз, Россия ЙҲҚга кўра 16 ёшдан «М» ва «А1» тоифасидаги гувоҳномаларни олиш мумкин, 18 ёшдан эса енгил автомобиль («В» тоифаси) бошқариш мумкин. Тўғри, бир жиҳати бор – 17 ёшдан ўқиш ва имтиҳон топшириш мумкин (бироқ бунда гувоҳнома фақат 18 ёшга тўлгач амал қила бошлайди).

«АвтоНорма» бўлимини **Алла Ромашко** олиб боради.

Иқтисодий–ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ©
ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб
Нодир Носирович АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «TOPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қоғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма 208. Адади 885. Газета 2018 йил 23 апрель соат 16.30 да топширилди.

Газета «Lux Print» МЧЖда босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Таллимаржон кўчаси, 1/1.
ISSN 2010-5223